

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
УЗОҚ ШАРҚ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЙ ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ
КОРЕЙС ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

Урунбаева Севара Арипжановна

**Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг “аёл гўзаллиги”
очеркининг бадиий таржимаси ва стилистик таҳлили**

5220100 – ФИЛОЛОГИЯ ЙУНАЛИШИ

Илмий раҳбар ўқитвчи Т.С. Ким

ТОШКЕНТ – 2010

Режа

| | |
|--|----|
| I. Кириш..... | 3 |
| II. Асосий қисм..... | 9 |
| I–боб. Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дик “Аёл гўзаллиги” очеркининг бадиий таржимаси..... | 9 |
| 1-§. Очерк ва бадиий таржима..... | 9 |
| 2-§. “Аёл гўзаллиги” очеркини таржима қилиш жараёнида юзага келган мураккабликлар..... | 14 |
| II–боб. Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дик “Аёл гўзаллиги” очеркининг стилистик таҳлили..... | 22 |
| 1-§. “Аёл гўзаллиги” очеркининг лексик–стилистик таҳлили..... | 22 |
| 2-§. “Аёл гўзаллиги” очеркининг синтактик–стилистик таҳлили..... | 32 |
| III. Хулоса..... | 45 |
| IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 48 |
| V. Илова..... | 51 |

I. Кириш

2010 йилнинг “Баркамол авлод” йили деб эълон қилиниши муносабати билан таълим тизимида янгидан янги ўзгаришлар бўлиши, жумладан, илм олиш ва таълим беришдаги интерфаол усулларни кенг йўлга қўйиш, ёшларнинг илм салоҳиятини янада юксалтириш, тарбия соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш каби улкан режалар олдинга сурилди. Чунки, таълим тарбия нафақат шахснинг моддий ва маънавий таянчи, балки Ватан тараққиётининг пойдевори ҳамдир. Бинобарин, таълим-тарбия онгнинг маҳсулидир, онгни, тафаккурни ўзгартирмай туриб эса биз кўзлаган олий мақсадимиз – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо эта олмаймиз. Бунда асосан ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳиссаси бекиёс. Шундай экан, биз ёшларнинг Ватанимиз келажаги олдида маъсулиятимиз катта. Биз ёшлар аввало чуқур билим эгаллаб, ўз касбимизнинг етук мутахассиси бўлиб етишишимиз лозим.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириши Ўзбекистонга ўзининг ташқи сиёсатини мустақил равишда юритиш, жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлишининг ўз стратегиясини ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатларнинг йўналишлари ва устуворлигини белгилаш имконини берди. Мамлакатимизнинг Жанубий Корея Республикаси билан 1992 йилнинг 2 январидан бугунги кунгача ҳамкорлик муносабатлари самарали ривожланиб келмоқда. Ушбу дўстона муносабатлар туфайли савдо ва иқтисодий соҳаларда битимлар имзоланди. Зарур ресурсларни, халқ истеъмоли молларини етказиб беришдан тортиб, меҳмонхоналар қуриш, соғлиқни сақлаш, дори-дармонлар ишлаб чиқариш, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорлик қилишгача кенг кўламдаги соҳалар, сиёсий, дипломатик соҳалар ва

маданият соҳаларида ҳам жиддий ўзаро манфаатларнинг мавжудлиги шу муносабатларни чуқурлаштиришга кўмаклашмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни катта масофа ажратиб туради. Шунга қарамай, Ўзбекистон ва Кореяни мустаҳкам дўстлик ришталари, халқларимизни тарихий ва маънавий яқинлик боғлаб туради. Бу яқинликнинг теран асослари бор. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган корейсларга юртимизда қандай меҳр-мурувват кўрсатилганини Корея аҳли мамнуният билан ёдда тутди. Бағрикенглик, саховат, тотувлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик ўзбек халқлари учун бирдек хос фазилатдир. Маънавий яқинлик ўзаро ишонч ва ҳурматга асос бўлади.¹ Ҳозирги кунда ана шу омиллар корейс тилини Ўзбекистон ҳудудида кенг кўламда ўрганилишни тақозо қилмоқда.

Бошқа чет тиллари каби корейс тилини янада чуқур ўрганишда адабиётшунослик соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўрганилаётган тилда ёзилган турли ҳил бадий асарларни мутолаа қилиш, уларни адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш ўқувчининг билим савиясини янада оширади. Шу сабабли бизнинг битирув малакавий ишимиз айнан корейс адабиётининг етуқ намоёндаларидан бири бўлмиш машҳур ёзувчи Пхи Чон Дик очерикини ўрганишга бағишланган.

Кореянинг машҳур адабиётшунос олими ҳамда ёзувчиси Пхи Чон Дик 1910 йил 21 апрелда Сеул шаҳрида дунёга келган. Қобилиятли ёш ёзувчи Шанхайдаги Хоканг Университетининг ғарб адабиёти факультетида таҳсил олган. Корея ўз мустақиллигига эришишидан олдин Пхи Чон Дик Кёнг Сонг Университетининг ўқитувчиси сифатида Ғарб шеърини соҳасида илмий изланишлар олиб борган, мустақилликдан сўнг эса Кёнг Сонг ҳамда Сеул университетларида катта ўқитувчи лавозимини

¹ ЎзА. Ҳамкорликнинг янги босқичи // «Халқ сўзи» газетаси. 2010. №30. 16.

эгаллаган. 1930 йилда Шидонг-а, Сожон Гук, 1931 йилда Сокок, 1932 йилда Кашин Ним каби машхур журналларда шеърлари ва очерклари чоп этилганидан сўнг ёзувчи аста секинлик билан мамлакатда шоир сифатида машхурлик қозона бошлади. Унинг шеърларидаги гўзал руҳият ҳамда беғубор ҳаётнинг куйланиши ёзувчи ижодиётининг ўзига ҳослигини белгилаб беради. Ушбу хусусиятлар унинг очеркларида ҳам мавжуд эди. Унинг очерклари жозибадорлиги, нодирлиги ва қолаверса, ҳаётнинг нозик ҳамда оддий томонларини акс эттириши билан ажралиб туради. Айнан шу жиҳатлари билан Пхи Чон Дик бошқа халқлар ёзувчиларидан фарқ қилади.² Серқирра ижодкорнинг асарлари орасида ёрқин кўзга ташланадигани бу “Аёл гўзаллиги” очеркидир. Ушбу асар 1996 йилда нашр қилинган “Тақдир” танланган очерклар тўпламига киритилган. Ушбу тўплам 2005 йилда Москва давлат университетида И.Л. Касаткина, Чон Ин Сун, Ким Хё Джа ҳамда Т.В. Габрусенко каби адабиётшунос ва таржимон олимлар томонидан рус тилига таржима қилинган ҳамда ушбу университет нашриётидан рус тилида чиқарилган.

Малакавий ишнинг объекти. Ишнинг объекти сифатида Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очерки танлаб олинди. Унда очеркнинг бадиий таржимаси ва стилистик таҳлили берилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Малакавий ишда кўзланган асосий мақсад корейс тилида ёзилган очеркнинг бадиий таржимасини бериш ҳамда уни лингвистик нуқтаи назардан таҳлил этишдир. Мазкур мақсад ўз ичига лексик-стилистик ҳамда синтактик-стилистик жиҳатдан таҳлил қилиш каби мақсадларни қамраб олган.

Малакавий ишдан кўзланган мақсад қуйидаги вазифалар ечилишини тақозо этади.

² 권영민. 한국현대문학대사전. - 서울: 서울대학교출판부. 2004. 1012 쪽.

1. Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очеркининг бадиий таржимасини бериш.
2. Очерк жанри ҳамда бадиий таржима ҳақида умумий тушунча бериш.
3. Таржима қилиш жараёнида юзага келган мураккабликлар ҳақида маълумот бериш.
4. Очеркнинг лексик-стилистик таҳлилини, яъни очеркда қўлланилган лексик бирликларнинг ўзига ҳос томонлари ҳақида маълумот бериш.
5. Очеркни синтактик—стилистик жиҳатдан таҳлил қилиш.
6. Очеркда қўлланилган стилистик компонентлар ҳақида маълумот бериш.

Мавзуни ёритишда компонентли, замонавий таҳлили усулларидан фойдаланилди. Бундан ташқари таржима, жадвалга солиш ва статистик жиҳатдан таҳлил қилиш усуллари ҳам қўлланилди.

Малакавий ишнинг янгилиги қўйидагилардан иборат:

1. Ушбу малакавий ишда корейс ёзувчиси Пхи Чон Дик “Аёл гўзаллиги” очеркининг ўзбек тилидаги илк таржимаси берилди.
2. Мазкур мавзу доирасида ўзбек тилшунослигида корейс тилида ёзилган очеркнинг стилистик таҳлили берилди.
3. Илк бора юқори технологияларидан фойдаланилган ҳолда (Power Point слайдлари), ўқув қўлланма вазифасини бажарувчи жадваллар тузилди.

Тадқиқот методлари. Олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун тўпланган материаллар ҳозирги замон тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган тузилиш, тавсифий, таҳлилий, миқдорий, солиштириш, таржима методлари ёрдамида таҳлил этилди.

Малакавий иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур иш материали корейс лингвистикаси соҳасида олиб борилаётган

илмий-тадқиқотларда қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари мазкур малакавий ишда жамланган материаллар корейс тили лексикологияси ва лексикасига, синтаксисига ҳамда корейс тилидаги матнларни ўзбек тилига таржима қилишга оид махсус курслар тайёрлашда, ўзбек ва корейс тилларини ўргатиш жараёнида дарслик ва қўлланма тузишда, таржимонлик фаолияти кабиларида кенг қўлланиши мумкин.

Тадқиқот манбалари. Ушбу тадқиқот жараёнида корейс, ўзбек ва рус олимларининг корейс тили грамматикаси, стилистика ҳамда таржима назарияси борасидаги илмий асарлари, хусусан, Ғ. Саломовнинг “Бадиий таржима”, А.Шомақсудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамов “Ўзбек тили стилистикаси”, Мазур. Ю.Н. «Грамматический очерк корейского языка», Ким М.У., А. Исмаилов, Ким Ч.С., Пак В., Г. Мирталипова “Корейс тили грамматикаси. Орфоэпия”, 국립국어원지음 “한국어 문법” ва яна бир қатор илмий адабиётлар ҳамда луғатлардан фойдаландик.

Малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Малакавий ишимизнинг умумий ҳажми----саҳифа. Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар сони---. Ушбу иш кириш қисми, асосий боблар (2та), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

Киришда малакавий иш мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, ишнинг янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқ этиш усуллари, мақсад ва вазифалари очиб берилган.

Биринчи боб корейс ёзувчиси Пхи Чон Дик “Аёл гўзаллиги” очеркининг бадиий таржимасига бағишланган. Ушбу боб 2 параграфдан иборат бўлиб, 1-§да очерк жанри ва бадиий таржима ҳақида умумий тушунчалар берилган, 2-§да эса “Аёл гўзаллиги” очеркини таржима қилиш жараёнида юзага келган мураккабликлар ҳақида сўз юритилган.

Иккинчи боб корейс ёзувчиси Пхи Чон Дик “Аёл гўзаллиги” очеркининг стилистик таҳлилига бағишланган. Ушбу боб 2 параграфдан иборат бўлиб, 1-§да очеркнинг лексик-стилистик таҳлили, яъни очеркда

қўлланилган лексик birlikлар ҳақида сўз юритилган, 2-§да эса “Аёл гўзаллиги” очеркининг синтактик-стилистик таҳлили, яъни очеркнинг синтактик қурилишининг ўзига ҳосликлари ҳақида маълумот берилган.

Битирув малакавий иш натижаларининг илмий-амалий аҳамияти шундан иборатки, муаллиф ушбу очеркни биринчи мартаба ўзбек тилига таржима қилиб илмий режада ўрганди. Очеркда қўлланилган лексик birlikлар, очеркнинг синтактик қурилиши, таржимаси таҳлилий, компонентли, тавсифий методлар асосида ёритилди. Ушбу очерк таржимашунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишга ҳаракат қилинди.

Битирув малакавий ишининг матнлари Ўзбекистонда корейс адабиётини ўрганишда, турли хил қўлланма, дарслик тузишда ёрдам беради.

Хулосада тадқиқ этилган материаллар таҳлилидан келиб чиқадиган асосий натижалар, назарий ва амалий умумлашмалар баён этилди.

II. Асосий қисм

I–боб. «Аёл гўзаллиги» очеркининг бадиий таржимаси

1-§. Очерк ва бадиий таржима

Очерк – эпик тур жанрларидан бири бўлиб, воқеа-ходисаларни, турмуш далилларини ва аниқ кишилар фаолиятини айнан тасвирлайди. У маълум бир тарихий даврда юз берган реал тарихий воқеалар, реал қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолиятини аниқ ҳужжатлар асосида ёритиб берувчи публицистик жанрдир. Шунинг учун очерк ҳужжат адабиёти деб ҳам юритилади. Очеркда бадиий тўқимага кенг йўл қўйилмайди.

Очерк олдига қўйилган асосий вазифа ҳаётий далилларни, воқеаларни тасвирлаш, тадқиқ қилиш, жамият тараққиёти учун муҳим бўлган муаммоларни кўтариб чиқиш ва уларнинг тўғри ҳал этилишига ҳисса қўшишдан иборатдир. Далилсиз мақола, корреспонденция ёзиш мумкин бўлмаганидек, аниқ далил ва воқеаларга асосланмасдан туриб очерк ҳам ёзиб бўлмайди.

Очеркист биринчи шахс тилидан гапириб, аниқ далилларни солиштириши, қарама-қарши қўйиши, тасвирланаётган воқеа ва ходисаларга ўз муносабатини билдириши, хулосалар чиқариши мумкин.

Очеркда далил, воқеа, муаммолар кўпинча биринчи ўринда тургани учун бу жанрдан инсон ва унинг образи суриб чиқарилар экан, деб тушунмаслик керак бўлади. Чунки, ҳар қандай далил ва муаммони бадиий очеркда инсондан ажратилган ҳолда тушуниб бўлмайди. Ҳикоя, повест, роман каби жанрларда киши характери, уларнинг муносабатлари, тўқнашувлари ёзувчининг диққат марказида туриши билан бир вақтда ҳаёт тасвирларини, ҳаётий воқеани ҳаққоний тасвирлаш ўзининг мустақил аҳамиятини йўқотмаганидек, очеркда реал далил ва воқеалар биринчи ўринда турган вақтда ҳам инсон образининг, қаҳрамон характерининг мустақил аҳамияти йўқолмайди.

Бадиий очерк реал далил ва воқеаларга асосланиши, ҳаётда ҳақиқатан ҳам бўлган кишиларни кўрсатиши, публицистик-тадқиқот характери билан бошқа эпик жанрлардан (роман, повест ва ҳикоядан) фарқ қилади. Масалан, ҳикоя муаллифнинг ижодий тасаввури орқали тасвирланган воқеа ва ҳодисалар, киши образлари ҳаётда бўлмаган бўлиши ёки ҳикояда кўрсатилганидан фарқланиши мумкин. Лекин очеркист воқеаларга бундай ёндаша олмайди, у реал воқеа, аниқ одам ҳақида ёзади, бунда у бадиий тасвир воситаларидан фойдалангани каби, публицистика ва тадқиқот воситаларини ҳам ишга солади. Очеркнинг асосий хусусиятлари унинг ана шу ҳужжатлар асосида ёзилиши, бадиий публицистик характери билан белгиланади.³

Очерк олдида, ҳозирги кун нуқтаи назаридан, ҳаётни ҳаққоний ва тезкорлик билан акс эттириш вазифаси туради. Очерк оператив жанр деб ҳам юритилади. Очерк хоҳ “аниқ адресатга” эга бўлсин ёки бундай адресга эга бўлмасин, барибир у куннинг актуал воқеа ва ҳодисалари билан қаттиқ боғланган бўлади. Очеркист жамоатчиликнинг диққатини ўзига жалб қилиб турган масалалардан орқада қолмаслиги, балки ана шундай актуал масалаларнинг мукаммаллашишига, тўғри ҳал этилишига таъсир кўрсатиши лозим.

Очеркда ҳикоядан фарқли равишда публицистик моментлар катта рол ўйнайди. Маҳорат билан танланган далилни бадиий-публицистик йўл билан тасвирлаш орқали китобхоннинг ақлигагина эмас, шунинг билан бир қаторда унинг сезгиларига, юрагига ҳам таъсир кўрсатилади, унда эстетик завқ уйғотилади.⁴

Таржима юксак бадиий ижоддир. Ижод бўлганда ҳам, баъзан оригинал муаллифдан кўпроқ изланиш, меҳнат талаб қиладиган ижоддир. Чунки муаллиф ўзи ижод қилаётган тил ва адабиёт доирасида эркин қалам

³ И.Мирзаев. Бадиий очеркнинг баъзи масалалари. – Тошкент. 1964. 6-б.

⁴ Ўша асар. 40-б.

тебратади. Таржимон эса ўзга тилда яратилган бадииятни ўз тилида қайта акс эттириши, оригинал тилининг ўзигагина хос бўлган айрим хусусиятларни ҳам бу тилда қайта яратиш йўллари излаши лозим. Масаланинг бу томони таржимоннинг маҳоратига бориб тақалади. Демак, асарни иккинчи бир тилга бир неча таржимон ўгирганда, шубҳасиз, бир неча хил асар пайдо бўлади. Таржима асарининг мувафаққияти эса мутаржимнинг маҳоратига боғлиқ, шунинг учун ҳам таржима санъатдир.⁵

Миллий тиллар маданиятини яхшилаш, ривожлантириш борасида кўрсатилган жонбозлик бадиий таржима тили соҳасида ҳам кўрсатилиши лозим. Оригинал асар тили қай даражада соф, унинг маданий савияси қай даражада юқори бўлса, таржима тили ҳам шунчалик бежирим, оригинал тили маданияти даражасида бўлиши керак. Муаллиф ва унинг персонажлари нутқ савияларининг таржимада айнан акс эттирилишигина китобхонда асар тили ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилади ва унинг ғоявий – бадиий қиймати тўғрисида чиқарадиган ҳукмини тўлдиради.

Оригинал асар тилига қўйиладиган талабларнинг ҳаммаси таржима тилига ҳам қўйилади. Чунки бадиий таржима айниқса тил бобида ижодий характер касб этади, зеро оригинал асар мазмун ва функция бирлиги таржима тили қонун-қоидалари, лексик-фразеологик воситалари ёрдамида қайта яратилади.

Таржима тили маданияти савиясининг юқори бўлиши мавжуд грамматик қоидалардан, лексик-стилистик воситалардан тўғри ва ўринли фойдаланишни тақозо этади. Жумладан ўзбек адабий тили давримизнинг сўз бойлиги, грамматик қурилиши ва стилистик лаёқати анча мукаммалашган тилларидан бўлиб, ҳар қандай мураккаб фикрларни ҳам тўла ва равон ифода этишга қодир. У ўтмишда Навоий, Муқимий, Фурқат каби ўнлаб забардаст санъаткорларга ажойиб асарлар яратиш учун бой луғат хазинасини очиб берган. Бизнинг давримизга келиб янада тараққий

⁵ К. Жўраев. Таржима санъати. – Тошкент. 1982. 17-б.

топган бўлса-да, кўпгина ёзувчи ва таржимонлар ўз фаолиятларида “сўзлардан фикр мақсадига кўра тўғри фойдалана олмаслик ёки нутқини нозарур, ортиқча сўзлар билан тўлдириб юбориш” грамматик, баъзан фонетик–орфоэпик қоидалардан чекиниш каби нутқ маданияти нормалари ҳазм қила олмайдиган ҳолатларга йўл қўймоқдалар.⁶

Таржимон томонидан танланган барча лексик-фразеологик бирликлар, стилистик воситалар, грамматик формалар, сўзлар орасидаги синтагматик муносабатлар тил вакиллари тажрибаларида синалган, силлиқ, юқори савияли, адабий тил норма ва қоидаларидан четга чиқмайдиган, такомиллашган бўлиши, оригиналдаги воситаларга функционал мос келиши зарур.

Таржима тилининг софлиги, унинг юқори маданияти учун кураш адекват таржималар яратиш бобидаги жонбозлик билан мантиқий боғлиқ бўлиб, барча лексик ва фразеологик бирликлар ҳамда стилистик воситаларнинг оригиналдаги даражада табиий жаранглаши, биринчи навбатда, уларнинг ўз маъно ва функциялари ҳамда ўзларига хос шаклларида ишлатилишини тақозо этади.

Бадиий ижод таркибида лексик–фразеологик бирликлар асар ғоясини коммуникатив ҳамда эмоционал-экспрессив тарзда ифода этиши учун хизмат қилар эканлар, улардан фикр мақсадига мувофиқ ўринли ва санъаткорона фойдалана билишгина муаллиф назарда тутган маъно ва стилистик функциянинг нутқ маданияти доирасида талқин этилишини таъминлайди. Бирликларнинг коммуникатив ва стилистик лаёқатини ҳисобга олмасдан, уларни, оригиналдаги бирликлар таъсирига берилиб, ғайри табиий шароитларда қўллаш, аксарият, таржима тили маданияти ҳазм қила олмайдиган бирикмаларнинг ҳосил бўлиб қолишига, баъзан эса маъно ва функциянинг мутлақо ўзгача талқинига олиб келиши мумкин.

⁶ Ғ.Саломов. Таржима назарияси асослари. – Тошкент. 1983. 47-б.

Амалий фаолияти жараёнида у ёки бу вариантдан фойдаланаётган таржимон ҳамма вақт ўзига шундай дейиши мумкинми ёки оригиналдаги маъно ва стилистик функцияни тўлароқ акс эттириш ҳамда табиий жарангдорлик ҳосил қилиш учун фикрни бошқачароқ ифода этиш лозимми, деган саволни бериши керак. Бундай саволга жонли нутқ ва унинг маданий нормаларига асосланган бой амалий тажрибанинг ўзи ижобий жавоб беради: таржима жараёнида икки тил birlikларининг моддий уйғунлигига эмас, балки функционал мослигини юзага келтиришга ҳаракат қилиш санъаткорни ҳамма вақт адекват ифодалар яратиш сари етаклайди. Вазифавий уйғун ифодалар эса моддий жиҳатдан бир-бирларига ўхшашлари ҳам, фарқ қилишлари ҳам мумкин – бунинг аҳамияти йўқ.⁷

⁷ Қ. Мусаев. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Т.: Ўқитувчи. 1976. 11-13-б.

2-§. “Аёл гўзаллиги” очеркини таржима қилиш жараёнида юзага келган мураккабликлар

Юқорида таъкидланганидек бадиий асар таржимаси юксак маҳоратни талаб қиладиган жараёндир.

Таржимонликнинг сўнгги босқичи бадиий асарларни соддалаштирмасдан ўз ҳолича таржима қилиб беришдан иборатдир. Бунда матнлар хилма-хил мазмун нозикликларини ифодалайдиган бадиий-тасвирий воситалар, бир-бирларидан маъно оттенкалари ҳамда стилистик вазифалари жиҳатидан фарқланадиган ранг – баранг синонимик birlikлар ҳамда образли–экспрессив фразеологизмлар билан тўлиб тошган бўладики, айни воситаларни адекват талқин этиш учун текстологик–стилистик таҳлил асосида уларнинг қўлланилаётган контекстларидан маъно ва вазифаларини аниқлаган ҳолда, она тилида уларга мувофиқ воситалар танлаш зарурати туғилади.

Файбулло Саломовнинг фикрича “Санъат кошонасининг шинам ва гўзаллиги бино чизмасининг қанчалик пухта ва аниқлигига, безакларининг бежиримлигига, меъморнинг маҳорати ва қурувчиларнинг меҳнатига боғлиқ. Аммо бунда бинонинг қандай материалдан қурилганлиги, қурилиш материалининг сифати ҳам катта аҳамиятга эгадир.”⁸

Бадиий таржимада эса асосий “қурилиш материали”, таржиманинг биринчи ва энг зарур элементи бўлган сўзнинг ўрни беқиёс каттадир. Бир тилдан бошқа тилга таржима қилишнинг ҳамма муаммолари – бадиийлик ҳосил қилиш, услуб яратиш, миллий колоритни акс эттириш сўз муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир.

Демак, таржимон учун сўз танлашнинг машаққати яна ҳам кўпроқ, деган фикр туғилади. Чунки таржимон асарни ўз тилига ағдарар экан, унда тасвирланган нарсани ифодалаш учун йигирматалаб сўзлар орасидан ўзи

⁸ Ғ. Саломов. Тил ва таржима. – Т.: Фан. 1985. 3-б.

истаганини ишлата олмайди. Масалан, бирон соҳибжамол қизнинг тасвирини яратишда таржимон асар доирасидан четга чиқолмайди. Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очеркини таржима қилиш жараёнида айнан шундай вазиятга дуч келамиз. Очеркда Клеопатранинг гўзаллиги ҳақида қуйидагича таъриф берилган:

클레오파트라는 요염하고 매혹적인 여인이었다.

Клеопатра мафтункор ва асир этувчи гўзаллик соҳибаси эди.

Ушбу жумлани таржима қилаётганда муаллиф ишлатган сўзларга нисбатан тамомила бошқача: жонлироқ ва мусиқийроқ сўзлар воситаси билан аёл гўзаллигини тасвирлаш, уни янада нафисроқ қилиб ярата олиш мумкин, аммо биз ундай қила олмаймиз. Таржимон фақат муаллиф ифодалаган фикрни ўз тилига ҳаққоний қайта тиклаш доирасида сўз танлаш эркинлигига эга. Агар танланган сўз асл нусхадаги сўзга мувофиқ тушса, ўша сўзнинг маънида яшириниб ётган маъно бизнинг тилимизда тирилади, аксинча, агар унга тўлиқ мувофиқ бўлмаса фикрни ноаниқ ва мужмал қилиб қўйиши мумкин.

Башарти, тиллардаги ҳамма сўзларнинг маънолари бир – бирига айнан мувофиқ келганида эди, таржима муаммоси ҳам бўлмас, балки у оддий механик иш бўлиб қолар эди. Чунончи, агар таржима қилинаётган асарнинг ҳамма ҳолларида ҳам *생* сўзини *ҳаёт*, *보다* феълени *кўрмоқ*, *시원하다* – *салқин*, *맛* – *таъм*, *눈* – *кўз* деб таржима қилиш мумкин бўлса эди, дунёда таржимонлик энг осон иш бўлиб қоларди.

Ваҳоланки, ҳаммага таниш бўлган бу оддий сўзлар ҳам контекст ичида ҳар хил маъноларда келадик, уларга муқобил ўзбекча сўзлар қидириб топиш осон эмас.

Юқорида берилган сўзларни очеркда қай ҳолда таржима қилинганлигини кўриб чиқсак:

그리고 나는 종달새를 화려한 공작보다도 좋아한다.

Шунингдек, мусича кўрам товусдан кўра кўнглимга яқин.

Юқоридаги *보다* феъли *кўрмоқ* маъносини беради, аммо жумлада у *кўра* маъносида келган.

맑고 시원한 눈... .. 특히 젊은 여인이 풍기는 싱싱한 맛..

чакнаб турган ва илиқ нигоҳ... ..айниқса навқирон вужуд ҳиссини берувчи жонли нафас ифори

Ушбу жумлаларда *시원하다* феъли салқин эмас илиқ деб таржима қилинади, чунки нигоҳга нисбатан салқин сўзини ишлатиб бўлмайди. Агар у шундай деб таржима қилинса аксарият маънони, яъни совуқ, истарасиз деган маъноларни бериши мумкин. Ўз ўрнида *눈* сўзини ҳам ўз маъносида, яъни кўз деб таржима қилиб бўлмайди. Чунки контекстда келганидек кўз салқин ёки илиқ бўлиши мумкин эмас. Агар ушбу сўз тўғридан тўғри таржима қилинса мужмал жумла ҳосил бўлиши мумкин.

Таржима шунинг учун ҳам санъатки, унда луғатларда тўпланган сўзлар маълум формула асосида куруқ алмаштирилмайди. Таржимоннинг маҳорати, кўпинча, асарда айтилган сўзга маъно томондан тенг келадиган сўзни қай даражада топиб ишлата билишга боғлиқ.

Таржима қилишдан мақсад иккинчи тилга сўзлар тизмаси ва гаплар силсиласини кўчириш эмас, балки уларнинг маъзида яшириниб ётган маънони рўёбга чиқаришдан иборат. Биринчиси – ҳеч қандай маҳорат талаб қилмайдиган механик иш, иккинчиси эса чинакам санъатдир. Шунинг учун проф. М.М.Морозов сўз танлаш муаммоси – “таржиманинг ўзак муаммоларидан бири”⁹ деб таърифлаган эди.

Таржима жараёнида битта сўзни ноўрин ёки атайлаб қўшиш ёхуд ташлаб кетиш, бирон иборанинг маъносини тушунмай ёки қасддан бузиб талқин қилиш фақат лингвистик қусурга эмас, балки кўпол, баъзан ҳатто сиёсий хатога олиб келиши мумкин.

⁹ М.М. Морозов Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык. – Москва. 1956. 27с.

Таржимоннинг ҳам сўз бойлиги қанчалик катта бўлса, у шунчалик тўғри, пухта ва енгил таржима қилиши табиийдир. Аксинча, агар у биладиган сўз бойлиги “ўртача” одамнинг актив сўз бойлигидан иборат бўлса, ундай ҳолда таржима қилинаётган асарнинг таъсири ҳам, нафосати ҳам, услуб гўзаллиги ҳам сувга уриб кетиши табиийдир. Бинобарин, агар бир асарни турмуш тажрибаси, маълумоти, маҳорати, сўз бойлиги ҳар хил бўлган иккита таржимон бир тилга ўгирса, бир – биридан жиддий фарқ қиладиган иккита – деярли бошқа-бошқа асар ҳосил бўлиши ҳам шу сабаблидир.¹⁰

Бадий асарнинг таржима жараёнида юзага келадиган яна бир мураккабликлардан бири синонимлардан фойдаланиш масаласидир.

Бир хил маънони ифодаловчи, лекин маъно нозиклиги томондан бир-биридан фарқ қилувчи сўзлар синоним сўзлар дейилади. Синонимларнинг тилда кўплиги унинг лексик воситалари қанчалик бой ва ранг-баранг эканлигини кўрсатувчи далилорлардан ҳисобланади. Филолог фанлари доктори О.Азизов синоним сўзлардан тўғри фойдаланиш адабий асарларда фикрнинг энг нозик томонларини ифодалаб беришга жуда катта ёрдам бериши ҳамда мазмунли, таъсирли ва гўзал санъат асарлари яратишни таъминловчи воситалардан бири ҳисобланишини тўғри қайд этган.¹¹

Синоним сўзлардан фойдаланиш оригинал бадий асар яратишда қанчалик муҳим бўлса, бадий таржимада синоним танлаш яна ҳам катта аҳамиятга эга.

Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очеркини таржима қилаётганда синонимия билан боғлиқ бўлган қуйидаги мураккабликларга дуч келиш мумкин.

Муаллиф аёлнинг ясама гўзаллиги ҳақида қуйидаги таърифни берган:

¹⁰ Ғ.Саломов. Тил ва Таржима. – Т.: Фан. 1966. 171-б.

¹¹ О. Азизов. Тилшуносликка кириш. – Тошкент. 1963. 65-б.

чил하고 바르고 문지르고 매일 화장을 한다. – ушбу жумлада келган *화장을 하다* сўзини тўғридан-тўғри таржима қилсак бўянмоқ, ясанмоқ маъноларини беради. Аммо бу ерда ушбу феълни бўянади ёки ясанади деб таржима қилсак ушбу жумла кўпол равишда ўгирилади ва аёлларнинг ҳаракатига салбий изоҳни бериши мумкин. Шунинг учун ушбу жумлани таъсирчан ҳамда чиройли таржима қилиш учун бўянмоқ ёки ясанмоқ сўзлари ўрнида уларнинг адабий синоними, яъни оро бермоқ феълдан фойдаланишни талаб этади.

Синонимия масаласига яна бир мисол қилиб ушбу жумлани келтиришимиз мумкин:

그러나 그들에게서 평화와 행복을 약속하는 건전한 미는 찾을 수 없었던 것이다. – ушбу парчани ўзбек тилига ағдарувчи кишидан бир маънони англаувчи сўзларнинг турли синонимларини билиш талаб этилади. Масалан, жумлада ишлатилган *평화* сўзини *дунё* деб бериб бўлмайди, чунки ўзбек тилидаги *дунё* сўзи ўзининг бошқа маъносига, яъни *олам, борлиқ* маъноларига ҳам эгадир. Шунинг учун жумлада *дунё* сўзини унинг синоними бўлмиш *осойишталик* сўзи билан алмаштирилади ҳамда *осойишталик ҳамда бахтни ваъда этувчи соғлом гўзаллик*, деб таржима қилинади.

Демак, синоним сўзларни танлай билиш асарнинг услубини акс эттиришда ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, ёзувчининг сўз бойлиги миқдорини ва унинг бадий маҳорати даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан биридир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бадий асарни таржима қилиш жуда ҳам мураккаб жараёндир. Уни айна асл нусха тилидаги тартибда таржима қилиш фикрнинг ясама грамматик қолип ичида кишанланишига олиб келади.

Бундай таржима асл нусхаси билан қиёс қилинса, унда ҳар бир гап, ибора, сўз ва ҳатто нукта-вергулларгача “ўз ўрнига” тушгандай туюлади. Аммо унда асл нусха билан ҳайрон қоларли даражада шаклий мувофиқлик бўлган ҳолда, сиртдан силлиқ ва чиройли кўринган гапларнинг маъносига тушуниш учун уларнинг қолипни бузишга, яъни ўзбек тилига “таржима” қилинган асарни яна “ярим таржима” қилишга тўғри келади.

Шундай қилиб, таржиманинг қуруқ ва саёз бўлиб чиқишига, асарнинг бадиий оҳорини тўкишга сабаб бўлаётган асосий иллатлардан бири формализмдир.

Бадиий таржимада мазмун билан шакл диалетикасининг ўзига хос хусусияти бор. Асарнинг шакл ва мазмун бирлигини сақлашни ундан нусха кўчириш ёки қуруқ тақлид қилиш маъносида эмас, балки шу асар таржима қилинаётган тилнинг имконияти ва хусусияти доирасида қайта яратиш маъносида тушунмоқ керак. Бунда асл нусха билан таржиманинг шакли тамомила фарқ қилиши, баъзан эса бутунлай тескари бўлиши ҳам мумкин, лекин улар англаган маъно бир-бирини қоплаши керак. Башарти, асл нусха билан таржимада гап шаклан монанд бўлса—ю, аммо маъно чиқмаса, бу формализмга олиб келади.¹²

“Аёл гўзаллиги” очеркини таржима қилишда формализмга олиб келиши мумкин бўлган бир қанча жумлаларни учратиш мумкин. Масалан: *여성들이 얼굴을 위하여 바치는 돈과 시간과 정성은 민망할 정도로 막대하다. 칠하고 바르고 문지르고 매일 화장을 한다.* Ушбу жумлада бир сўз туркумига оид бўлган қисмлар - *과* боғловчиси ёрдамида уюшиқ бўлақларни ҳосил қилмоқда. Корейс тилидаги - *과* боғловчиси ўзбек тилидаги *ва* боғловчисига тўғри келади. Аммо ўзбек тилида бир яхлит гапда *ва* боғловчисини бир мартадан ортиқ ишлатиш грамматик хатога

¹² Ф. Саломов. Таржима ташвишлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. 232-233-б.

олиб келади. Шу сабабли ушбу жумлани таржима қилаётганимизда икки марта қайта такрорланган – ۳۴ боғловчисинининг бирини вергулга (,) алмаштиришимиз талаб қилинади. Бундан ташқари иккинчи гапдаги – ۳۷ тенг боғловчиси¹³ ёрдамида боғланган феъллар таржимада хижжалаб таржима қилинмасдан биргина ясанмоқ сўзи билан ифодаланилади. Юқоридаги жумлани ўзбек тилига қуйидагича таржима қилишимиз мумкин:

Аёллар чеҳраси учун сарфланадиган пул, вақт ва самимият ачинарли даражада улкандир. Улар ҳар куни бўяниб ўзларига оро берадилар.

Қуйидаги жумланинг таржимасига назар солсак:

시인 키츠는 “아름다운 것은 영원한 기쁨이라” 하였다. 그러나 그 아름다운 자체가 스러져 없어지는것을 어찌하리오. 아무리 아무리 아름다운 여성도 청춘의 정기를 잃으면 시들어 버리는 것이다.

Ушбу жумлада келган *아무리* сўзини ўзбек тилидаги *нима бўлганда ҳам* иборасига тенглаштиришимиз мумкин. Берилган жумлада муаллиф ушбу сўзни маънони кучайтириш мақсадида такрор ҳолда қўллаган. Ўзбек тилига бу жумлани таржима қилиш жараёнида муаллиф ифодалаб берган таъсирчанликни ўзбек тилида ҳам ўқувчиларга етказиб бериш мақсадида, *아무리 아무리* сўз бирикмасини ўзбек тилидаги эквивалентини такрор ҳолда қўллаган биргина *беқиёс* сўзи билан алмаштиришимиз мумкин. Келтириб ўтилган жумланинг охири гапида берилган *시들어 버리는* сўз бирикмасига назар солсак. Ушбу бирикмадаги *시들다* феъли маъноси ўзбек тилидаги сўнмоқ феълнинг маъносига тенг келади. *버리다* сўзи эса ташламоқ деб таржима қилинади. Аммо бу ерда *버리다* феъли ёрдамчи феъл сифатида келиб ҳаракатнинг тугалланлигини ифодаламоқда.¹⁴

¹³ 국립국어원지음. 한국어 문법 2. – 서울. 2005. 32 쪽.

¹⁴ Г. Д. Юнусова. Корейс ва ўзбек тилларида кўмакчи феълларнинг киёсий таҳлили: маъруза матнлари. . – Т.: ТДШИ. 2010. 5- 6.

Демак ушбу бирикмани ҳамма қоидалар бўйича таржима қилсак *сўниб кетади*, деган маънони беради. Аммо контекст бўйича ушбу жумланинг юқоридаги таржимаси формализм муаммосини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун *시들어 버리다* бирикмасини *сўниб кетмоқ* эмас *сўниб бормоқ* деб таржима қилсак муболаға бўлмаса керак.

II-боб. “Аёл гўзаллиги” очеркининг стилистик таҳлили

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек очерк публицистик жанрдир. Публицистика кенг маънода ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарларни ўз ичига олади.

Публицистик стилнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, улар публицистик стилнинг умумий талабларига бўйсунди. Чунончи, бу стилнинг иккала турида публицистикага хос сиёсий активлик, ҳозиржавоблик, ташвиқот ва тарғибот каби хусусиятлар мавжуд бўлади.

Публицистикага хос умумий белгиларга муаллиф муносабатининг ошқора ва аниқ ифодаланиш хусусияти ҳам киради. Муаллифнинг воқеликка бўлган муносабати муаллиф танлаган тил воситаларида ўз ифодасини топади.

Ушбу стил синтактик қурилиши ҳамда унда фойдаланиладиган лексик бирликлари билан бошқа вазифавий стиллардан фарқланади.¹⁵

Шу боис малакавий ишимизнинг ушбу боби корейс ёзувчиси Пхи Чон Дик “Аёл гўзаллиги” очеркининг лексик-стилистик ҳамда синтактик-стилистик таҳлилларидан ташкил топган.

1-§. “Аёл гўзаллиги” очеркининг лексик – стилистик таҳлили

Нутқнинг аниқ ва равшан бўлиши, аввало, сўздан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Сўзни ўз ўрнида тўғри ишлата билиш учун унинг лексик маъносини англаш зарурдир.

Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг воқеликка бўлган муносабатининг асосини у танлаган лексика ташкил қилади. Ушбу очерк гап составидаги сўзнинг семантикаси-маъно томони, қўшимча эмоционал-экспрессив бўёқдорлиги ва услубий белгилари, фикрни сўз воситаси билан

¹⁵ А.Шомаксудов, И.Расулов, Р.Кўнғуров, Ҳ.Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи. 1983. 28-б.

мантикий жиҳатдан тўғри ифода этилган деса ҳам бўлади. Бадиий адабиётда сўзларни образли ишлатиш образ яратиш ва ҳаётни тасвир йўли билан таҳлил этиш воситасидир. Бадиий нутқ услубида, айниқса, индивидуал образли сўз ва иборалар жуда катта таъсир кучига эга. Образли сўз, ибора тасвирланаётган ҳодисани китобхоннинг чуқур англаши, идрок қилиши учун хизмат қилади ва унинг фикри, хаёлига эстетик таъсир кўрсатади.

Шу туфайли ушбу очеркнинг лексик-стилистик таҳлили қуйидаги қисмларга ажратилган ҳолда амалга оширилди: омонимлар, синонимлар, антонимлар, стилистик нейтрал лексика, эмоционал-экспрессив лексика, хитой ва инглиз тилидан ўзлашган лексика, атоқли отлар.

1.1. Ҳар бир тилнинг, шу жумладан, корейс тилининг луғат таркибидаги товушлари ва ёзилиши жиҳатидан бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган сўзлар муайян миқдорда топилади. Бундай сўзлар омонимлар гуруҳини ташкил қилади.

Фонетик (товуш) томондан бир хил – шакли ўзаро тенг келиб қолган икки ва ундан ортиқ сўзлар омонимлардир.¹⁶

Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очеркида ҳам қуйидаги омоним сўзлар учрайди:

눈 кўз – 눈 қор

일 кун – 일 иш

Ушбу сўзлар маъно жиҳатдан ўзаро муносабатда бўлмайди – бошқа-бошқа тушунчаларни англатади. Шакл ва ўқилиш жиҳатидан тенг келса ҳам маъно томондан фарқланади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу сўзлар бир сўз туркумига мансуб ҳисобланади.

1.2. Очерк янада таъсирчан ва мазмунли чиқиши учун ёзувчи синоним сўзлардан ҳам кенг қўламда фойдаланган. Бунда у ўз олдида бир

¹⁶ 노마 히테키. 한국어 어휘와 문법의 상관 구조. - 서울: 태학사. 2002. 265 쪽.

хил сўзни бир неча марта такрорлаш билан бир хилликнинг олдини олишни, асардаги луғавий бойликнинг кўламини янада бойитишни мақсад қилиб қўйган.

Маънолари бир хил ёки ўзаро яқин, талаффуз ва ёзилиши ҳар хил бўлган сўзлар синоним сўзлар ҳисобланади. Очеркда синонимик хусусиятга эга бўлган қуйидаги сўзларни учратиш мумкин:

정직한 – 진직한 – ҳақиқий – ҳаққоний

건강한 – 건전한 – соғлом – теран

여성 – 여인 – аёл киши –хотин киши

곱다 – 예쁘다 – 아름답다 гўзал – чиройли – ажойиб

민활한 – 화려한 – безатилган – кўркем

인간 – 사람 – инсон – одам

시원하다 – 싱싱하다 – сокин –янги

스러지다 – 없어지다 – ғойиб бўлмоқ – йўқ бўлиб кетмоқ

참답다 – 진실하다 – асл – ҳақиқий

환희 – 기쁨 – хурсандчилик – шодлик

희다 – 맑다 – ёруғ – порлоқ

Юқоридаги берилган синоним сўзлар аниқ ҳолларда ўзаро лексик маъно оттенкалари, қўлланиш доиралари ва экспрессив бўёғига кўра бир-биридан фарқланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, муаллиф маънони кучайтириш, умумлаштириш, жамлаш мақсадида синонимик жуфт сўзлардан ҳам фойдаланган:

요염하고 매혹적인 гўзал ва латофатли

Бу ерда иккинчи синоним биринчисининг айнан такрори бўлмай, балки у ифодалаётган тушунчани кўшимча белгиси билан тўлдириб туради.

1.3. Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг очеркида антонимлар ҳам фаол қўлланган. Антонимлар икки сўз орасидаги қарама-қарши маъно муносабатини ифодалайди. Аммо бир сўзнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари антоним сўзлардаги каби зид маъно муносабатини ҳосил қилмайди. Антоним бўлиши учун иккита сўзнинг лексик маънолари қарама-қарши бўлиши шарт.

Очеркда мавжуд бўлган антонимларни қай маънони англатишига кўра иккига бўлиш мумкин.

1. Белги англатувчи сўзлар (сифат, равиш):

젊은 – 늙은 ёш – қари

참다운 – 만든 – асл – ясама

망하다 – 예쁘다 – хунук – чиройли

2. Микдор, вақт, ўрин, ҳаракат-ҳолат маъноларини ифодалайдиган сўзлар (равиш, от, сифат, феъл):

허위 – 사실 – ёлғон – ҳақиқат

슬픔 – 기쁨 – қайғу – хурсандчилик

과고에 – 이상에 – ўтмишда – келажакда

잃다 – 찾다 – йўқотмоқ – топмоқ

있다 – 없다 – бор – йўқ

가다 – 오다 – бормоқ – келмоқ

Асарда зидлик муносабатини ифодалашнинг кўринишларидан бири бўлмиш оксиморонни ҳам учратиш мумкин. 죄없는 허위다 – бу бирикманинг материал жиҳатдан кўриниши сифат+от типига бўлиб, биринчи сўз ҳаққоний деган маънони бериб, ундан кейин келган сўз эса биринчи сўзга зид бўлган маънони, яъни ёлғонни англатмоқда. Бу жойда предметнинг табиати ва моҳиятига хос бўлмаган зид белгини унга нисбатан қўллаш орқали антономик муносабат ҳосил қилинмоқда. Бу

услубий приёгда тўғри маънолари билан мантиқий жиҳатдан мувофик келмайдиган сўзлар бир-бири билан учрашади, натижада, компонентлари моҳият эътибори билан бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган кўчма маънодаги бирикма ҳосил бўлади.

1.4. Маълум бир тушунчанигина ифодалаб, қўшимча эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлмаган сўзлар, яъни интеллектуал лексика ҳар бир асарнинг асосини ташкил қилади. Интеллектуал сўзлар умумистеъмолдаги лексикага хос бўлганлиги сабабли ҳар қандай жанрда ишлатилаверади ва услубий жиҳатдан чегараланмаган бўлади. Шунга кўра улар услубий бетараф лексика деб ҳам юритилади.¹⁷

Биз таҳлил қилаётган “Аёл гўзаллиги” очеркининг асосини ҳам шу каби сўзлар ташкил қилади. Масалан:

¹⁷ А.Шомаксудов, И.Расулов, Р.Кўнғуров, Ҳ.Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи. 1983. 228-б.

태양 – куёш
장미 – атиргул
시간 – вақт
매일 – ҳар кун
화장 – оро
필요 - керак
행복 - бахт
남편 – турмуш ўртоқ
화장품 – атир-упа
회사 - ташкилот
사장 - директор
입술 - лаб
말 - гап
일 - иш
얼굴 - юз
돈 – пул
눈 - қор
사람 - одам
아침 - эрталаб
하늘 - осмон
나라 - мамлакат
물건 - нарса
약속하다 – ваъда қилмоқ
하다 – қилмоқ
사라오다 – яшаб келмоқ

놓다 – қўймоқ
만들다 – тайёрламоқ
건강하다 – соғлом
같다 – каби
붉다 – қизил
좋다 – яхши
사십 – ўттиз
그녀 - у
나 – мен

Юқорида берилган илмий-техник терминлар, касб-хунарга оид махсус сўзлар, ижтимоий-сиёсий ва умумодабий лексикага оид баъзи сўзларни ҳам эмоционал бўёққа эга бўлмаганлиги учун интеллектуал лексикага киритилди.

1.5. Корейс тили лексикасида экспрессив ва эмоционал бўёқдорлик билан боғлиқ бўлган сўзлар кўп. Бундай сўзларни биз таҳлил қилаётган “Аёл гўзаллиги” очеркида ҳам учратиш мумкун. Масалан, қуйидаги сўзлар таъсирли ва ифодали бўёғига кўра асарга кўтаринки, тантанали ва улуғвор рух киритмоқда:

큰 일이다 – амримаҳол

어여뻐지다 – гўзаллашмоқ

일شم씨 – хатти-ҳаракат

애정 – муҳаббат

마음씨 – кўнгил.

Асарда ўз лексик маъноси билан ҳис-туйғу, кечинма ва ҳаяжон ифодаловчи сўзлар ҳам бор:

민망하다 – ачинмоқ

기쁨 – хурсандчилик

안타깝다 – ҳавотирланмоқ

슬픔 – қайғу

역지 – қайсарлик

Баъзи ҳолатларда синоним сўзлар бир-биридан эмоционал-экспрессив бўёғининг камроқ ёки яққол сезилиб туриши билан фарқланади:

곱다 – 요염하다 – 매혹적이다 - 예쁘다 – 아름답다 каби синоним сўзларнинг кейинги иккитаси ўзининг эмоционал-экспрессив рангига кўра олдингиларидан ажралиб туради.

Эмоционал-экспрессив лексик бирликлардан фойдаланиш асарнинг умумий услубий мақсад ва йўналиши билан боғлангандир.

1.6. Тилнинг бошқа тиллардан олинган сўзлар ҳисобига бойиши жуда қадимий ҳодисадир. Бунинг сабаби халқлар ўртасида қадимдан ижтимоий-сиёсий муносабат, маданий алоқа ва ҳамкорликнинг мавжудлигидир.

Одатда, бошқа тилдан ўтган сўзларнинг баъзилари сўз олувчи тилнинг ички тараққиёти қонунига, унинг айрим грамматик қоидалари ва талаффуз нормаларига бўйсунди, мослашади, баъзилари асл ҳолатларини сақлаб қолса, баъзилари жиддий ўзгаришга учрайди. Шу каби корейс тили лексикасининг асосини туб корейс тилидаги ҳамда хитой тилидан ўзлашган сўзлар ташкил қилади. Асл корейс тилига хос сўзлар бу, айнан, корейс халқининг ўзигагина тегишли бўлган сўзлардир. Хитой тилидан ўзлашган сўзлар эса, хитой иероглифлари асосида корейс тилига кириб келган ва истемолда корейсча талаффуз ва қўшимчалар билан қўлланиладиган сўзлардир.¹⁸

Асарда нафақат хитой тилидан ўзлашган, балки инглиз тилидан ҳам ўзлашган сўзларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, 미스 - мисс ва 파운드 - поунд сўзлари.

Асарда фойдаланилган хитой ва инглиз тилидан ўзлаштирилган сўзлар ва асл корейс тили сўзларининг миқдоридаги тафовутни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

| | | |
|--------------------------------------|--------------------------|---------------------------------------|
| Хитой тилидан ўзлашган сўзлар | Туб корейс сўзлар | Инглиз тилидан ўзлашган сўзлар |
|--------------------------------------|--------------------------|---------------------------------------|

¹⁸ Jae Jung Song. THE KOREAN LANGUAGE. Structure, use and context. – L.: New York. 2005. 83p.

| | | |
|---|--|----------------|
| <p>여인, 태양, 산호, 장미, 애인, 여성, 시간, 정성, 정도, 매일, 화장, 수단, 죄, 허위, 사실, 필요, 순색, 물건, 남편, 화장품, 회사, 사장, 인형, 세수, 부분, 미, 생명력, 음성, 희망, 환희, 윤기, 약동, 조각, 직장, 영이, 종달새, 공작, 향상, 평화, 행복, 미인, 자신, 청춘, 정기, 체념, 약방문, 과거, 생활, 퇴화, 생, 자체</p> <p>칠하다, 발산하다, 분석하다, 구성하다, 상상하다, 약속하다, 유지하다</p> <p>정직하다, 민망하다, 막대하다, 낭랑하다, 처녀답다, 민활하다, 건강하다, 황홀하다, 화려하다, 매혹적이다, 건전하다, 영원하다,</p> | <p>입술, 말, 뺨, 일, 얼굴, 돈, 찬물, 눈, 수, 사람, 몸, 인치, 맛, 일숨씨, 걸음걸이, 아침, 하늘, 생각, 나라, 봄, 기쁨, 억지, 마음씨</p> <p>하다, 눈부시다, 비치다, 바치다, 바르다, 문지르다, 돋보이다, 만들다, 놓다, 풍기다, 나타나다, 솟아오다, 불타다, 생각하다, 기울여뜨리다, 잃다, 버리다, 시들다, 내다, 사라오다, 막다, 넘다, 기쁘다, 찾다, 슬프다</p> <p>같다, 붉다, 희다, 아름답다, 좋다, 젊다, 늙다, 없다, 생생하다, 맑다, 시원하다, 가볍다, 대하다, 싱싱하다, 요염하다, 참답다, 착하다, 곱다, 한결같다</p> <p>더, 마침내, 아무리,</p> | <p>미스, 파운드</p> |
|---|--|----------------|

| | | |
|---|------------|--|
| 솔직하다, 원숙하다, 진실하다, 소박하다 사십, 그녀, 단지 | 상당히, 다만, 나 | |
|---|------------|--|

Юқорида берилган жадвалда корейс ёзувчиси Пхи Чон Дик “Аёл гўзаллиги” очеркида умумий ҳисобда 152 та сўз берилган. Улардан 73 таси асл корейсча сўзлари бўлиб, 77 таси эса хитой тилидан ўзлашган сўзлардир. Фақат иккитагина инглиз тилидан ўтган сўз мавжуд. Ушбу статистик маълумотдан келиб чиққан ҳолда, асарда фойдаланилган лексик бирликларнинг 50%дан ортиқроғини хитой тилидан ўзлашган сўзлар ташкил қилади, деб айтиш мумкин.

1.7. Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” номли очеркини бадий таржима қилиш ҳамда лексик-стилистик таҳлил қилиш жараёнида бир нечта атоқли отлар ҳам таҳлил қилинди.

Грамматикадаги айрим шахс ёки предметга атаб қўйилган номлар атоқли от дейилади. Кишиларнинг исми, шарифи, тахаллуси, ҳайвонларга атаб қўйилган номлар, географик номлар, ташкилот ва идора номлари, тарихий воқеа, китоб, газета, журнал, кинофилм, спектакл номлари ҳам атоқли отлардир.

Ушбу очеркда тарихий шахс номлари (양귀비—Мак, 클레오파트라—Клеопатра) , ёзувчи номлари (키츠—Кич, 셰익스피어—Шекспир), афсонавий шахс номи (비너스—Зухра), ҳамда географик ном (아메리카—Америка) каби атоқли отларни учратиш мумкин.

2-§. “Аёл гўзаллиги” очеркининг синтактик – стилистик таҳлили

Тил ўз коммуникатив вазифасини синтактик қурилма – гап воситасида амалга оширади. Тилдаги барча – фонетик, лексик, морфологик ходиса ана шу синтактик қурилишда хизмат қилади.

Синтаксис (гр. синтахис – тузиш, қуриш)нинг асоси – гап ҳақидаги таълимот. Гап, аслида сўзнинг эркин бирикувига ҳам асосланганлиги туфайли сўзнинг боғланиш қонунияти, сўз бирикмаси ҳам синтаксисда ўрганилади.

Сўз бирикмаси ва гап – синтаксиснинг асосий бирликлари. Шунга кўра, синтаксис иккига бўлинади:

- 1) сўз бирикмаси синтаксиси;
- 2) гап синтаксиси.

Синтаксис бўлими ўз навбатида стилистика билан ҳам алоқадордир. Синтактик-стилистикада эса синтаксиснинг ўрганиш объекти бўлган гап, унинг бўлаклари, гап бўлақларининг тартиби, гапнинг ифода мақсадига ва тузилишига кўра турларининг услубий имкониятлари ўрганилади.

Стилистика учун синтаксис жуда муҳим соҳа ҳисобланади. Йирик тилшунос олим М.Верли: “Стил сўзга қараганда кўпроқ гапда шаклланади”, - деб жуда тўғри таъкидлаган эди. Л.Н.Толстой эса “ Адибнинг маҳорати энг мос, зарурий сўзни энг мос, зарурий ўринда ишлатишда кўринишини қайд этиб ўтган эди.”¹⁹

Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очеркидаги тил бирликларининг синтактик-стилистик таҳлили сўз бирикмалари ва гапларга асосланган ҳолда амалга оширилади:

2.1. Ҳар бир нутқда тушунчаларни аниқ ва тушунарли тарзда ифодалаш зарурати туғилади. Бу эса нисбий ноаниқ тушунча ифодаловчи сўздан нисбий аниқ тушунча ифодаловчи сўз бирикмасини афзал қилиб

¹⁹ С. Султонсаидова, Ў. Шарипова. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент. 2009. 61-б.

кўяди. Мисол тариқасида очеркдаги куйидаги сўз ва нутқий бирликларни киёслаб кўрсак: *늘다* – *곱게 늘다* қаримоқ – чиройли қаримоқ. Кейинги нутқий ҳосилада “ҳарфларни уриштириб маъносини тушуниш” ҳаракати (*늘다*) сўзидагига нисбатан аниқроқ. Чунки унга *곱게* чиройли сўзи кўмаклашган. Кўринадики, сўз ҳам, сўз брикмаси ҳам тушунча ифодалайди. Сўз ифодалайдиган тушунча умумий ва кенг (масалан *늘다* қаримоқ феълида ҳаракат чиройли ҳам, хунук ҳам бўлиши мумкин), сўз бирикмасида эса икки тушунча ўз мустақилликларини сақлаган ҳолда нисбий аниқ ва муайян ҳаракат (“ҳарфларни тез уриштириб, маъносини тушуниш”) ифодаланган. Демак, сўз ўз маъновий имкониятини тўлароқ ва равшанроқ намоён қилиши учун бошқа бир мустақил сўзга эҳтиёж сезади.²⁰

Бу сўз унинг маъновий эҳтиёжини қондирмоғи учун ҳам маъновий, ҳам грамматик жиҳатдан унга мувофиқ бўлмоғи лозим.

Буни равшанроқ англаш учун корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очеркидан куйидаги ҳосилаларга диққат қилайлик:

중달새를 화려한

말은 사람

자체가 스러지다

여인의 눈

Бирикмаларнинг биринчисида (*중달새*) ва (*화려한*) сўзлари маъновий жиҳатдан мувофиқ бўлиб, бироқ уларнинг грамматик шакли (бош келишиги) мос эмас. Иккинчи бирикув (*말은 사람*)да сўзлар грамматик шакли жиҳатдан бирикув ҳосил қилишига йўл қўймайди. Учинчи бирикувда аъзолар ҳам маъновий, ҳам шаклий жиҳатдан мувофиқ. Улар бирикуви тушунча эмас, фикр ифодалайди. Тўртинчи бирикув

²⁰ Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев, Г.Боқиева. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент. 2009. 305-б.

(여인의 눈) буларнинг барчасидан фарқланади ва бирдан ортиқ мустақил сўзнинг маъно ва грамматик жиҳатдан ҳоким-тобелашувдан ташкил топиш, тушунча ифодалашга хосланганлиги билан характерланади. Бунда бир сўз тобе, иккинчиси ҳоким, тобелик ва ҳокимлик хоссаси ҳамда воситасига эга. Бу – уларнинг маъновий мослиги ва тобелиги (ҳокимлиги) грамматик шакли ҳамда жойлашув (олдинма-кейинлик) хусусияти. Демак, очеркдаги нутқий сўз бирикмалари учун қуйидаги белгиларни кўрсатиш мумкин:

- a) бирдан ортиқ мустақил сўз;
- b) аъзоларнинг маъновий ва грамматик жиҳатдан мослиги;
- c) тобелик;
- d) тушунча ифодалаш.

Сўз бирикмаси бу тўрт белгисининг ҳар бири билан ёндош ходисаларга ўхшайди ва бир вақтнинг ўзида фарқланади ҳам. Масалан, бирдан ортиқ мустақил сўздан ташкил топганлиги билан сўздан фарқ қилса, тушунча ифодалаш билан ўхшашлик касб этади. Гап бирдан ортиқ мустақил сўзнинг маъновий ва грамматик жиҳатдан тобеланиши асосида ҳам вужудга келади. Лекин бу сўз бирикмасидан фарқли ўларик, фикр ифодалайди.

Очеркдан берилган мисолларга асосланган ҳолда сўз бирикмаси ҳақида умумий тушунчага эга бўлгандан сўнг “Аёл гўзаллиги” очеркидаги сўз бирикмаларининг боғланиш усулларини таҳлил қиламиз.

Сўз бирикмаси аъзолари орасидаги боғланиш, яъни тобеланиш уч хил: *битишув, мослашув, бошқарув*. Бу алоқа турининг ўзига хос хусусияти ва фарқи аъзоларни бириктирувчи кўрсаткич ёки бошқа воситадан келиб чиқади. Масалан, очеркдаги *황홀하게 보인다, 행복을 약속하다, 여성의 미* бирикмаларида тобе сўзнинг қайси шаклда келиши кўпинча, унинг ҳоким сўзига (*행복을 약속하다*) боғлиқ бўлса, баъзан ҳар иккала аъзо бир-бирининг қандай шаклда бўлишини белгилаб қўяди.

Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очеркидаги айрим битишув усули орқали боғланган сўз бирикмалари:

정직한 말 – ҳаққоний сўз

아름다운 것 – гўзал нарса

늙은 얼굴 – қари юз

생생한 생명력 – жонли ҳаётлий куч

낭랑한 음성 – жарангдор овоз

건강한 여인 – соғлом аёл

싱싱한 맛 – навқирон нафас

이른 아침 – эрта тонг

화려한 공작 – кўркам товус

영원한 기쁨 – абадий шодлик

진실한 마음씨 – соф кўнгил

상당히 막다 – қисман олдини олмоқ

소박한 생활 – содда ҳаёт

Ушбу битишув йўли билан бириккан сўзларнинг ўзаро алоқаси, асосан, тартиб ва оҳанг билан белгиланади. Битишув алоқасида морфологик кўрсаткич бўлмаса-да, тартиб муҳим восита сифатида намоён бўлади. Бунда тобе сўз ушбу мавқеда келиш учун шаклий жиҳатдан ўзгармайди. Зеро, тобе аъзо сифатида намоён бўлаётган сўз маъновий ва вазифавий жиҳатдан бунга хосланган бўлади (낭랑한 음성, 건강한 여인).

Очеркдаги сўз бирикмалари сўз туркумларининг қуйидагича битишуви билан боғланган:

- 1) равиш + феъл: 상당히 막다;
- 2) сифат + феъл: 황홀하게 보인다;

- 3) олмош + от: 그 자체;
- 4) сифат + от: 소박한 생활.

Айрим манбаларга асосланган ҳолда очеркдаги тобе сўз вазифасида равишдош (예쁘게 하다), сифатдош (나타나는 윤기) юзага чиққан бирикув ҳам битишувли бирикма сифатида таҳлил қилиниши мумкин эди. Ваҳоланки, бу ерда равишдош кўрсаткичи [-게] феълни феълга (예쁘게 하다), сифатдош шакли [-(으)ㄴ/는] феълни отга (나타나는 윤기) боғлаш учун хизмат қилади.²¹ Шунингдек, буларнинг морфологияда луғавий-синтактик шакл сифатида қаралиши ҳам улар ҳосил қилган бирикувни битишувли эмас, балки бошқарувли бирикув сифатида баҳолашни тақозо этади.

Юқорида берилган сўз бирикмаларининг битишув усули билан боғланишида аъзоларнинг ҳоким-тобелик ҳолати, асосан, тартиб ва жойлашув омили асосида белгиланади: (тобе аъзо + ҳоким аъзо), яъни тобе сўз олдин, ҳоким сўз кейин келади ҳамда аъзолар орасига бошқа сўзни киритиб бўлмайди. Баъзан очеркдаги битишув усули орқали боғланган сўз бирикмаларда ҳам тартиб иккинчи ўринга тушиб қолгандек туюлади: 미는 온다 – 미는 생명력에서 온다. Лекин бунда 미는 сўзи феълга битишув асосида эмас, балки бош келишиқда боғланаётганлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Демак, очеркнинг сўз бирикмаларидаги битишув алоқасида тартиб ва оҳанг муҳим рол ўйнайди. Бунда тобелик тартиб ва жойлашувдан, сўзнинг грамматик хусусияти ва маъносидан англашилиши аён бўлиб туради.

Очеркнинг стилистик-синтактик таҳлилини давом эттирган ҳолда очеркдаги мослашув усули билан боғланган сўз бирикмаларини кўриб чиқамиз:

²¹ Практическая грамматика корейского языка. – Сеул: KOICA. 2000. 39с.

나의 여인의 눈 – севгилимнинг кўзлари
그녀의 입술 – қизнинг лаблари
셰익스피어의 말이다 – Шекспирнинг гапи
애인의 입술 – севгилимнинг лаблари
회사 사장 – корхона директори
몸의 생김생김만 – тана қисмлари
여성의 미 – аёл гўзаллиги
비너스의 조각 – Венеранинг танаси
청춘의 정기 – ёшлик руҳияти
미의 퇴화 – гўзалликнинг регресси
여인의 얼굴 – аёл юзи

Ушбу ҳосилалардаги мослашув сўз бирикманинг икки томонлама грамматик шаклланган тури бўлиб, бунда тобе аъзо ҳоким аъзога мувофиқ эгалик шаклини, ҳоким аъзо тобе аъзога мувофиқ равишда қаратқич ёки бош келишик шаклини олади. Мослашув атамаси ҳар иккала аъзо бир-бирини тақозо қилувчи морфологик воситага эгалигини англатади. Мослашув алоқасида тобе аъзо қаратувчи, ҳоким аъзо қаралмиш деб юритилади.

“Аёл гўзаллиги” очеркидаги бошқарув усули билан боғланган сўз бирикмалар:

생에 대한 희망 – ҳаётга лаоқадор умид
생명력에서 오다 – ҳаётий кучдан келмоқ
미를 구성하다 – чиройни белгилаб бермоқ
종달새를 좋아하다 – мусичани яхши кўрмоқ

행복을 생각하다 – бахтни ўйламоқ

평화와 행복을 약속하다 – тинчлик ва бахтни ваъда қилмоқ

나라를 기을뜨리다 – давлатини сақлаб қолмоқ

자신들을 망하게 하다 – ўзини қурбон қилмоқ

정기를 잃다 – руҳиятини йўқотмоқ

퇴화를 막다 – регресснинг олдини олмоқ

미를 유지하다 – гўзалликни сақлаб қолмоқ

희망과 환희 – умид ва руҳланиш

Бошқарув алоқаси бир томонлама шаклланган сўз биркмалар таркибида амал қилади. Фақат тобе аъзоларни бирикиш учун тобеловчи кўшимча олган сўз бирикма бошқарув йўли билан боғланган дейилади. Бунда ҳоким сўз тобе сўзнинг қандай шаклда бўлишини бошқаради. Масалан, 정기를 잃다 бирикмасида тобе сўзнинг тушум келишиги шаклида 잃다 феълининг ўтимлилиги билан белгиланган.

Бошқарув алоқасида тобе сўзни ҳар хил туркумдаги сўз бошқариши мумкин. Очеркдаги сўз бирикмаларини бошқарув уни амалга ошираётган воситага боғлиқ равишда келишикли бошқарув, кўмакчили бошқарув каби турларга ажратиш мумкин.

2.2. Малакавий ишимизнинг ушбу қисми корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очеркидаги қўлланилган гапларнинг таҳлилидан иборат. Аниқроқ қилиб айтганда, очеркдаги гап тузилиши, ундаги сўзлар тартиби ҳамда гапнинг турларини таҳлил қилишдан иборат.

Тилдан фойдаланиш фикрни шакллантириш ва баён қилишдан иборат. Бу эса гап орқали амалга ошар экан, демак, тил яхлит вужуд сифатида синтаксисда намоён бўлади.

Гап – кишиларнинг бир-бирига фикр, ахборот узатиш учун ишлатадиган асосий бирлик, фикр ифодалашнинг энг оддий ва усуллик кўриниши. У сўзловчи учун фикр ифодалаш ва ахборот узатиш, тингловчи учун ахборот қабул қилиш воситаси.

Киши онгида фикр тушунчалар асосида тикланади. Фикр нутқда гап сифатида юзага чиқади. Фикр тушунчадан ташкил топганлиги каби гап ҳам тушунчанинг шакли саналган сўз ва сўз бирикмаларидан тузилади. Гапнинг ташкил этувчилар – сўз (ибора ҳам), грамматик шакл ва сўз бирикмалари.

2.2.1. Ифода мақсадига кўр гапнинг турланиши соф нутқий ҳодиса. Гаплар ифода мақсадига кўра дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гапларга бўлинади. Кузатилган мақсадга қараб нутқ услубларининг барчасида бу тип гаплардан фойдаланилади. Буларнинг ҳар бири, нутқ услубларида кўлланишига қараб, айрим ўзига хос белгиларга эга бўлади.

Бадиий ва публицистик услубларида дарак гаплардан кенг фойдаланилади. Биз таҳлил қилаётган матн публицистик асар бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, бутун очерк асосан дарак гапдан ташкил тоган деб ҳисобласа ҳам бўлади. Чунки дарак гапда ҳукм-муҳокама ифодаланади. Бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар қилиш ёки предметга белгининг мавжудлигини тасдиқлаш ёки инкор қилиш лозим топилса, дарак гапга мурожаат қилинади. Бунда нутқ кўпроқ монолог тарзида бўлади.

Дарак гаплар, хабар билан бир қаторда, гумон, севинч, ачиниш, ғурур, орзу-истак каби маъноларни ҳам ифодалайди. Бунда кесим шакли муҳим рол ўйнайди:

나의 여인의 눈은 태양과 같이 앓다. 그들은 마침내 나라를 기울뜨리고 자신들을 망하게 하였다. 아름다운 것은 영원한 기쁨이라 Севгилимнинг кўзлари қуёшга ўхшамасдир. Улар охир-оқибат Ватанини ҳимоя қилиш учун ўзларини қурбон қилишди. Гўзаллик абадий шодликдир.

гапларини қиёслаб кўрайлик. Бу гапларнинг ҳаммасида ҳам бирор воқеа-ходиса ифодаланяпти. Бундан ташқари, биринчи гапда гурур, иккинчи гапда ачиниш, учинчи гапда эса севинч ҳам ифодаланган. Бу кесимнинг лексик маъноси ва унинг шакли билан боғлиқ.

Дарак гап бирор воқеа-ходиса ҳақидаги хабарни ифодалаганда тинч оҳанг билан талаффуз қилинади, оҳанг кесим томон пасайиб боради. Гап таркибидаги бирор бўлак мантикий урғу олса, оҳанг кўтарилиб, кейин яна сусаяди. Дарак гап гумон, севинч кабилар ифодалаганда, интонация ҳам шунга мосланади.

“Аёл гўзаллиги” очерки 34та гапдан ташкил топган бўлса, улардан 33таси дарак гап ва фақат биттасигина сўроқ гапдир.

Сўроқ гапда сўзловчи учун номаълум бўлган бирор предмет, ҳаракат-ҳолат, белги ҳақидаги сўроқ ифодаланади. Сўроқ гапларда суҳбатдош сўзловчининг сўроғига жавоб беришга, унга ўз муносабатини билдиришга ундалади. Бундан ташқари, сўроқ гаплар сўроқ йўли билан билдирилган ҳайрат, таажжуб, ҳаяжон, буйруқ, гумон каби маъноларни ифодалаши ҳам мумкин.

Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дик ўз очеркида нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида сўзловчининг ўзига ўзи савол бериш усулидан фойдаланган: *찬물로 세수를 한 젊은 얼굴보다 더 아름다운 것이 어디 또 있겠는가? Совуқ сув билан ювилган ёшнинг юзидан гўзалроқ нарса бормикан?* Бу ерда жавоб тингловчи томонидан эмас, сўзловчининг ўзи томонидан берилган ҳамда нутқ эмоционаллиги, фикр таъсирчанлиги ортган.

2.2.2. Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг “Аёл Гўзаллиги” очерки стилистик-синтактик таҳлилининг ушбу қисми очеркдаги маълум бир абзацнинг гапларини таҳлил қилишдан иборатдир.

“나의 여인의 눈은 태양과 같이 앓다. 산호는 그녀의 입술보다 더 붉다.“ 이 것은 셰익스피어의 정직한 말이다. 하기야 뺨이 눈같이 희다고 그리 아름다운 것도 아니요, 장미 같다고 아름다운 것도 아니다. 애인의 입술이 산호같이 붉기만 하여도 그리 좋을 것이 없고, 그의 눈이 태양 같이 눈부시게 비친다면 큰일이다.

Абзацнинг биринчи гапига назар ташласак:

나의 여인의 눈은 태양과 같이 앓다. Ушбу гап ифода максадига кўра дарак гапдир. Грамматик асосларининг миқдорига кўра содда гап сирасига киради. *눈* - эга, *태양과 같이 앓다* - кесим, *나의 여인의* - аниқловчи. Бундан кўриниб турибтики ушбу гап эга, кесим ҳамда иккинчи даражали бўлаклар иштирок этганлиги сабабли ёйиқ гапдир.

Ҳамда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу жумлада тропни ҳам учратиш мумкин. Троп деб адабий асарнинг бадий қимматини, ифодалилигини, экспрессивлигини кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилишига айтилади.

Онгимизда қандайдир хусусиятлари ва белгилари билан бир-бирига яқин бўлган икки предмет ёки ҳодисани чоғиштириш, ўхшатиш тропга асос қилиб олинади. Яъни бирор предмет ёки воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ, ёрқин тасаввур ҳосил қилиш учун унга бошқа бирор предмет ёки воқеанинг белгиси кўчирилади, ўхшатилади. Юқоридаги жумлада тропнинг ўхшатиш тури қўлланилган. Ўхшатиш икки нарса ёки воқеа-ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, аниқроқ, бўрттириброк кўрсатиб беришдир. Ушбу гапда ўхшатиш предмет – *눈*, ўхшатиладиган предмет - *태양* ва ўхшатиш воситаси – *같이*.

Иккинчи гап:

산호는 그녀의 입술보다 더 붉다. Ушбу гап ҳам дарак, содда ёйиқ, эгаси мавжуд гапдир. *산호는*- эга, *붉다* - кесим, *입술보다*- тўлдирувчи, *더*- хол.

Ушбу гапда ҳам тропни кўриш мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда тропнинг эпитет турини кўриш мумкин. Эпитет (сифатлаш) – грекча сўз бўлиб, изоҳловчи деган маънони англатади. Эпитет поетик изоҳловчи бўлиб, у доимий сифатловчи экспрессивлик ҳосил қилиши, кўчма маънода ишлатилиши билан фарқ қилади. Муаллиф тасвирланаётган нарса ёки воқеанинг ўзи зарур ҳисобланган томонини маълум назардан туриб баҳолаш учун эпитетдан фойдаланади.²²

Ушбу жумлада эпитетни яққол кўришнинг имкони мавжуд эмас. Айрим эпитетлар бирор нарса билан чамбарчас боғланган бўлади. Бу ерда ҳам *산호* дейилганда, *붉다* сўзи беихтиёр кўшиб айтилган. Чунки *붉다* *산호* нинг доимий белгисидир, яъни биз “ёқут” деганимизда доим қизил рангни тасаввур қиламиз. Ушбу жумлада ҳам лабни қизил ранглилик сифати ҳақида сўз юритилганда доимий эпитет бўлмиш ёқут билан тенглаштирилмоқда.

Навбатдаги гап:

이 것은 셰익스피어의 정직한 말이다 – ушбу жумла ифода мақсадига кўра дарак гап сирасига киритилади. *이 것은* - эга, *말이다* - кесим, *셰익스피어의 정직한* - аниқловчи. Бундан кўриниб турибтики, бу гап 2 бош бўлакли содда ёйиқ гапдир. Ушбу жумлада гап бўлаклари анъанавий ҳолатда жойлаштирилган, яъни олдин эга, сўнг иккинчи даражали бўлақлар, гап охирида эса кесим келмоқда.²³

²² А. Шомаксудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Ҳ. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи. 1983. 232-б.

²³ Jae Jung Song. THE KOREAN LANGUAGE. Structure, use and context. – L.: New York. 2005. 107p.

하기야 *뺨이 눈같이 희다고 그리 아름다운 것도 아니요, 장미 같다고 아름다운 것도 아니다.* – ушбу жумла ифода мақсадига кўра дарак гапдир. *뺨이* - эга, *것도 아니요* - кесим, *아름다운* - аниқловчи. Юқоридаги гап содда икки бош ва иккинчи даражали бўлакли ёйиқ гапдир. Бу ерда ҳам муаллиф троп ва синтактик фигуралардан кенг фойдаланган. *뺨이 눈같이 희다* ўхшатиш, ўхштилган предмет *뺨*, ўхшатиладиган предмет *눈*, асос *희다*, ўхшатиш воситаси *같이* . Кейинги сўз бирикмаси *장미 같다고 아름다운 것*– бу ҳам тропнинг ўхшатиш туридир. *뺨* бу ерда ҳам ўхшатилган предмет, *장미* ўхшатиладиган предмет, асос *아름다운 것*, ўхшатиш воситаси *같다*.

Юқорида айтиб ўтилганидек бу гапда синтактик фигураларни учратиш мумкин. Синтактик фигуралар мусиқа ва такрорланувчи мусиқавий иборалар каби нутқни оҳангдор, таъсирчан ва жозибадор қилиш, шу йўл билан унинг тингловчи томонидан осонлик билан қабул қилинишида муҳим стилистик воситадир. Мана шунинг учун ҳам синтактик фигураларни маълум даражада нутқ мусиқаси деб аташ мумкин.²⁴

Юқоридаги гапда синтактик фигуранинг эпифора кўринишини кўриш мумкин. Эпифорада бир қанча гаплар, мисралар, абзацлар бир хил тузилиш билан тугайди. Бу параллелизм ҳосил қилиб, тингловчи-ўқувчи диққати такрорланувчи тузилмаларга тортилади. Такрорланувчи бирликлар сўз, сўз бирикмаси, гап шаклида бўлиши мумкин. Бизнинг ҳолатимизда эса *아름다운 것도 아니다* сўз бирикмаси гапда икки марта такрорланиб гапнинг маъносини кучайтириб келмоқда.

애인의 입술이 산호같이 붉기만 하여도 그리 좋을 것이 없고, 그의 눈이 태양 같이 눈부시게 비친다면 큰일이다.

²⁴ А.Шомаксудов, И.Расулов, Р.Кўнғуров, Х.Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи. 1983. 228-б.

Ушбу гап ифодалаш мақсадига кўра дарак гапдир. Бу жумла иккита содда гапнинг бирлашишидан ҳосил бўлган икки компонентли боғланган қўшма гапдир. Тенг ҳуқуқли содда гапларнинг ўзаро тенг боғловчилар ёки бу боғловчи вазифасидаги юкламалар ёрдамида боғланишидан ташкил топган гаплар боғланган қўшма гаплар ҳисобланади.²⁵

Юқорида берилган жумлада ҳам стилистик компонент бўлмиш метафорани учратиш мумкин. Қўшма гапнинг биринчи компонентида абзатсда олдинроқ келган ўхшатишни кўриш мумкин, иккинчи компонентида эса *눈이 태양 같이 눈부시게 비친다* сўз бирикмасида метафорани кўриш мумкин. Метафора деб нутққа образлилик, эмоция бериш мақсадида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўзлар ва ибораларнинг кўчма маънода ишлатилишига айтилади. Юқорида берилган жумлада қиз нигоҳининг қуёш порлашига тенглаштирилиши ҳолатига дуч келамиз.

Корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очерки 34та гапдан иборат. Улардан 18таси содда ёйиқ ҳамда 1таси содда йиғиқ гапдир.

Очерк 15та, яъни 2та боғланган, 10та эргашган ҳамда 3та боғловчисиз қўшма гапдан иборатдир. Шундан кўриниб турибтики, очерк 55% содда ва 45% қўшма гаплардан ташкил топган.

²⁵Р. Сайфуллаева. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини: Докт.. дис..автореф.. – Тошкент. 1993. 48-б.

Ш. Хулоса

Мазкур битирув малакавий иш корейс ёзувчиси Пхи Чон Дик “Аёл гўзаллиги” очеркини таржима қилиш, таржима қилиш жараёнида юзага келган мураккабликларни ўрганиш ва очеркни стилистик таҳлиш қилишга бағишланган.

Ҳозирги кунда Корея ва Ўзбекистон алоқаларининг тобора чуқурлашиб бориши корейс тили ва адабиётини кенг кўламда ўрганишни такозо қилмоқда. Шунингдек, корейс ёзувчиларининг бадиий ҳамда публицистик адабиётлари сўзма-сўз эмас, бадиий таржима қилиниши эса ўз ўрнида Ўзбекистонда корейс адабиётига бўлган қизиқишнинг тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради. Мазкур битирув малакавий ишда корейс ёзувчиси Пхи Чон Дикнинг “Аёл гўзаллиги” очеркини бадиий таржима қилиш ва таржима қилиш жараёнида юзага келган мураккабликларни кўрсатиб ҳамда изоҳлаб бериш орқали адабиёт ва таржима соҳаларига оз бўлсада ўз ҳиссамизни қўшдик деб умид қиламиз.

Биз ушбу малакавий ишда очеркнинг таржимаси ҳақида сўз юритиш билан чегараланиб қолмасдан ушбу очеркнинг стилистик таҳлил қилишга ҳам ҳаракат қилдик. Бу эса бир вақтнинг ўзида икки ҳар хил, бир-бирига боғлиқ бўлмаган йўналишда изланиш олиб бордик деса ҳам бўлади.

Ушбу малакавий ишимизнинг I-бобини очерк таржимасига бағишлаган бўлсак, II-бобида “стилистика” сўзига ҳар томонлама ёндашдик. Чунки, стилистика тилшуносликнинг мураккаб йўналиши бўлиб ўз ичида вазифавий стилистика, практик стилистика ва нутқ маданиятини бирлаштиради. Шунинг учун биз “Аёл гўзаллиги” очеркидаги стилистик компонентларни таҳлил қилган ҳолда ушбу матнни қайси услубга кўпроқ мос эканлигини аниқлаб олишга ҳаракат қилдик.

Биз шунингдек, очеркни синтактик қурилиш жиҳатдан ҳамда унда қўлланилган лексик бирликларни кўриб чиқдик, яъни очеркнинг лексик-стилистик ва синтактик-стилистик таҳлилини амалга оширдик.

Ушбу малакавий иш натижалари юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. "Очерк" деганда воқеа-ҳодисаларни, турмуш далилларини ва аниқ кишилар фаолиятини айнан тасвирлайдиган эпик жанр кўзда тутилади.

2. Очерк публицистик жанр деб юритилса ҳам уни таржима қилиш жараёнида ҳам таржимон бадиий асар таржимаси жараёнида учрайдиган қийинчиликларга дуч келади. Шу сабабли, очерк таржимаси юксак маҳоратни талаб қиладиган жараёндир.

3. Очеркни бадиий таржима қилиш – муаллифнинг ўзига хос услуби, тасвирланаётган воқеанинг хусусияти, образ ёки персонажнинг ёш, жинс, вазифа, ихтисос, малака, миллат, эътиқод ва бошқа белгилари ҳамда асарнинг жанри ва турини ҳисобга олган ҳолда мувофиқ сўз ва ибораларни топиб, ўз ўрнида ишлата билиш демакдир.

4. Очеркни лексик-стилистик таҳлил қилиш жараёни унда қўлланилган лексик бирликларнинг ўзига хос томонларини кўрсатиб беришдан иборатдир.

5. Корейс тилини мукаммал эгаллаш учун гап составидаги сўзнинг семантикаси – маъно томони, қўшимча эмоционал-экспрессив оттенкаси ва стилистик белгилари, фикрни сўз воситаси билан мантиқий жиҳатдан тўғри ифода қилиш усулларини пухта билиш зарурдир.

6. Очеркнинг синтактик-стилистик таҳлиliga келсак, ушбу ишимизда "Аёл гўзаллиги" очеркининг гап тузилиши ва сўз бирикмаларининг тузилиши ёритиб берилди. Чунки очерк ёзилган услуб синтаксиси сифатловчининг кенг қўлланиши, сўз тартибида тескари, субъектив тартибга йўл қўйилиши, риторик сўроқ ва ундов гаплар, синтактик фигура ва тропларнинг кўп қўлланиши каби ҳолатлар билан характерланади.

Мазкур малакавий иш нафақат корейс тилидаги адабиётларни ўзбек тилига ўгираётган таржимонларга, балки тил соҳасида ҳам изланишлар

олиб бораётган корейсшуносларнинг ишларида ёрдам беришига умид қиламиз.

IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Китоб ва монографиялар:

1. А.Шомақсудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи. 1983. 28, 228, 232-б.
2. Г. Д. Юнусова. Корейс ва ўзбек тилларида кўмакчи феълларнинг қиёсий таҳлили: маъруза матнлари. – Т.: ТДШИ. 2010. 5- б.
3. И.Мирзаев. Бадиий очеркнинг баъзи масалалари. – Тошкент. 1964. 6, 40-б.
4. К.Б. Куротченко, М.В.Леонов, Ю.И.Швецов. Корейский язык: Учебное пособие. – Москва. 2005.
5. К. Жўраев. Таржима санъати. – Тошкент. 1982. 17-б.
6. Морозов М.М. Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык. – Москва. 1956. 27с.
7. М.У.Ким, А.Исмаилов, Ч.С.Ким, В.Пак, Г.Мирталипова. Корейс тили грамматикаси. Орфоэпия. – Т.: ТДШИ. 2007.
8. О. Азизов. Тилшуносликка кириш. – Тошкент. 1963. 65-б.
9. Практическая грамматика корейского языка. – Сеул: КОИСА. 2000. 39с.
10. Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев, Г.Боқиева. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент. 2009. 305-б.Ф.
11. С.Султонсаидова, Ў. Шарипова. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент. 2009. 61-б.
12. Ф. Ким. Синтаксические элементы корейского языка. – Алматы: КазГУ. 1999.
13. Ю.Н. Мазур. Грамматика корейского языка. – М: Муравей-Гайд. 2001.

14. Қ. Мусаев. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Т.: Ўқитувчи. 1976. 11-13-б.
15. Ғ.Саломов. Таржима назарияси асослари. – Тошкент. 1983. 47-б.
16. Ғ. Саломов. Тил ва таржима. – Т.: Фан. 1985. 3-б.
17. Ғ. Саломов. Тил ва Таржима. – Т.: Фан. 1966. 171-б.
18. Ф. Саломов. Таржима ташвишлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. 232-233-б.

Газеталардаги мақолалар:

19. ЎзА. Ҳамкорликнинг янги босқичи // «Халқ сўзи» газетаси. 2010. №30. 1-б.

Авторефератлар:

20. Р. Сайфуллаева. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини: Докт.. дис..автореф.. – Тошкент. 1993. 48-б.

Луғатлар:

21. М.М. Абдурахимов. Ўзбекча – русча ва русча – ўзбекча луғат. – Т.: Фан. 2008.
22. 강덕수, 김현택 공저. ГЕМ 한노 사전. – 서울: Selling itself. 2000.
23. 민중 엡센스. 국어사전: 제 5 판 전면 개정판. – 서울:민중 서림. 2001.
24. 한노 사전. – 서울: 러시아어 문학사. 2004.

Хорижий адабиётлар:

25. Gerald R. McMnamin. Forensic Linguistics Advances in Forensic Stylistics. CRC Press LLC. 2002.
26. Jae Jung Song. THE KOREAN LANGUAGE. Structure, use and context. – L.: New York. 2005. 83, 107p.
27. 국립국어원지음. 한국어 문법 2. -서울. 2005. 32 쪽.
28. 권영민. 한국현대문학대사전. –서울:서울대학교 출판부. 2004. 1012 쪽.
29. 김광해. 비슷한말 반대말. -서울. 2002.
30. 노마 히데키. 한국어 어휘와 문법의 상관 구조. -서울:태학사. 2002. 265 쪽.
31. 이익섭. 한국어 문법. -서울. 2006.
32. 피천득.인연: 수필집. – 서울: 샘터. 2002.
- Интернет саҳифалари:**
33. <http://www.book.daum.net>
34. <http://www.dic.academic.ru>
35. <http://ww.oriental.ru>
36. <http://www.korean-language.org>

V. Илова

여성의 미

"나의 여인의 눈은 태양과 같이 앓다. 산호는 그녀의 입술보다 더 붉다."

이 것은 셰익스피어의 정직한 말이다. 하기가 뺨이 눈같이 희다고 그리 아름다운 것도 아니요, 장미 같다고 아름다운 것도 아니다. 애인의 입술이 산호같이 붉기만 하여도 그리 좋을 것이 없고, 그의 눈이 태양 같이 눈부시게 비친다면 큰일이다.

여성들이 얼굴을 위하여 바치는 돈과 시간과 정성은 민망할 정도로 막대하다. 칠하고 바르고 문지르고 매일 화장을 한다. 하기가 돋보이겠다는 이 수단은 죄없는 허위다. 그런데 사실은 그럴 필요가 없다. 젊은 얼굴이라면 순색 그대로가 좋다. 찬물로 세수를 한 젊은 얼굴보다 더 아름다운 것이 어디 또 있겠는가? 늙은 어굴이라면 남편이 화장품 회사 사장이라도 어여뻐질 수는 없는 것이다.

인형같이 예쁘다는 말은 사람이 아니요, 만들어 놓은 물건이란 말이다. 여성은 물건이 아니요 사람이다. 단지 얼굴이나 몸의 부분적인 생김생김만이 미가 될 수는 없다. 미스 아메리카와 같이 '인치'나 '파운드'로 미가 규정되어서는 안 된다.

여성의 미는 생생한 생명력에서 온다. 맑고 시원하는 눈, 낭랑한 음성, 처녀다운 또는 처녀 같은 가벼운 걸음걸이, 민활한 일숨씨, 생에 대한 희망과 환희, 건강한 여인의 발산하는, 특히 젊은 여인이 풍기는 싱싱한 맛, 애정을 가지고 있는 얼굴에 나타나는 윤기, 분석할 수 없는 생의 약동, 이런 것들이 여성의 미를 구성한다.

비너스의 조각보다는 이른 아침에 직장에 가는 영이가 더 아름답다. 종달새는 하늘을 솟아오를 때 가장 황홀하게 보인다. 그리고

나는 종달새를 화려한 공작보다도 좋아한다. 향상이 없는 행복을 생각할 수 없는 것같이, 이상에 불타지 않은 미인을 상상할 수 없다. 양귀비나 클레오파트라라는 요염하고 매혹적인 여인들이었다. 그러나 그들에게서 평화와 행복을 약속하는 건전한 미는 찾을 수 없었던 것이다. 그들은 마침내 나라를 기울뜨리고 자신들을 망하게 하였다. 참다운 여성의 미는 이른 봄 같은 맑고 맑은 생명력에서 오는 것이다.

시인 키츠는 "아름다운 것은 영원한 기쁨이라" 하였다. 그러나 그 아름다운 자체가 스러져 없어지는 것을 어찌하리오. 아무리 아무리 아름다운 여성도 청춘의 정기를 잃으면 시들어 버리는 것이다. 솔직하게 말하여 나는 사십이 넘은 여인의 아름다운 얼굴을 드물게 본다. '원숙하다' 또는 '곱게 늙어 간다'라는 말은 안타까운 체념이다. 슬픈 억지다. 여서의 미를 한결같이 유지하는 약방문은 없는가 보다. 다만 착하게 사라온 과거, 진실한 마음씨, 소박한 생활 그리고 아직도 가지고 있는 희망, 그런 것들이 미의 퇴화를 상당히 막아 낼 수 있을 것이다.

Аёл гўзаллиги.

Севгилимнинг кўзлари куёшга ўхшамасдир. Ёкут у қизнинг лабидан кўра қизилроқдир.

Бу Шекспирнинг ҳаққоний сўзидир. Дарҳақиқат, яноқлари қор каби оқ бўлсада чиройли эмас, атиргул каби гўзаллиги йўқдир. Севгилимнинг лабалари ёкутдек қирмизи бўлсада, у қадар жозибаси йўқ, унинг кўзлари куёшдек порлаши амри маҳолдир.

Аёллар чеҳраси учун сарфланадиган пул, вақт ва самимият ачинарли даражада улкандир. Улар ҳар кун бўяниб ўзларига оро берадилар. Бироқ яхшилаб назар солинса бу ажойиб ёлғондир. Аслида бунинг асло зарурати йўқ. Навқирон чеҳра табиий ранги, ўз ҳолатича бўлгани яхши. Совуқ сув билан ювилган ёшнинг юзидан гўзалроқ нарса бормикан? Йиллар ўз таъсирини ўтказган аёл юзини гарчи қаллиғи упа-елик корхонаси раҳбари бўлсада, ёшартириб бўлмас.

Кўғирчоқдек чиройли бўлиш инсон эмас, ясаб қўйилган буюм кабидир. Аёл эса жонсиз буюм эмас!

Фақат юз ёки баданнинг қайсидир қисми инсоннинг ташқи олами гўзаллигини белгила олмайди. Гўзалликни “Мис Америка”дагидек фунт ёки дюймда ўлчашнинг асло иложи йўқ!

Аёл гўзаллиги жонли ҳаётий куч бўлиб келган. Чақнаб турган ва илиқ нигоҳ, жарангдор овоз, нафосат ва баркамол ёш қиз янглиғ енгил оёқ қадамлар, безатилган ҳаракатлар, ҳаётга лаоқадор умид ва руҳланиш, соғлом аёл нафаси, айниқса навқирон вужуд ҳиссини берувчи жонли нафас ифори, илғаб олиш қийин бўлган илдам ҳаракатлар аёл гўзаллиги унсурларидир.

Зухранинг жонсиз танасидан кўра тонгда вақтли ишга отланган аёл жозибадорроқдир. Мусича осмонга парвоз қилган онг жуда ҳам ҳайратланарлидир. Шунингдек, мусича кўркам товусдан кўра менинг кўнглимга яқин. Эртаси йўқ бахтни ўйлаб бўлмаганидек, вақт ўтиши билан

сўнмас чиройни тасаввур қилиб бўлмайди. Мок ва Клеопатра мафтункор ва асир этувчи гўзаллик соҳибалари эди. Бироқ улардаги осойишталик ва бахтни ваъда этувчи соғлом гўзаллик топилмас бойлик бўлган. Улар охири-оқибат Ватанини ҳимоя қилиш учун ўзларини қурбон қилишди. Ҳақиқий аёл гўзаллиги келаётган баҳор янглиғ мусаффо ҳаётини кучда келадиган нарсадир.

Шоир Кич “Гўзаллик абадий шодликдир” деган. Бироқ ўша чирой ўз-ўзидан ғойибликка юз тутди ва беқиёс гўзал бўлган аёл ҳам ёшликнинг руҳиятини йўқотиб сўниб боради. Ҳақиқатни айтсам, мен ёши 30дан ошган аёлнинг чиройли юзини кам кўраман. “Етилган” ёхуд “чиройли қариган” деган гап ачинарли таслим бўлишдир. Ғамгин иложсизликдир. Аёл гўзаллигини ўзгартирмасдан сақлаб қоладиган рецепт мавжуд эмас. Аммо бағрикенглик билан яшаб ўтилган ўтмиш, чин кўнгиллик, содда ҳаёт ҳамда ҳанузгача мавжуд бўлган умид каби нарсалар гўзалликни йўқолиб боришини озгина бўлсада олдини оладиган воситалардир.